

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТИЗИМИНИНГ МОҲИЯТИ ВА УНИ ИҚТИСОДИЁТДАГИ АҲАМИЯТИ

Дилдора Салиходжаева, Ирода Шатурсунова, Фотима Сохибова
ТДИУ СММТ-77 гуруҳ талабалари

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунлардан бошлаб ижтимоий йўналтирилиган бозор иқтисодиёти сари ислохотларни босқичма-босқич амалга ошира бошлади.

Халқаро миқёсда юзага келган янги иқтисодий вазият, давлат маблағлари ҳисобидан харажатларни амалга оширишда ҳукуматлар олдида қўйилган вазифаларнинг муҳимлигини оширмоқда.

Маълумки, давлат ўз вазифаларини бажариш жараёнида бир қатор харажатларни амалга ошириши зарур. Бу харажатлар, энг аввало, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун турли тармоқларга инвестиция қилишга, аҳолининг турмуш даражасини оширишга, ҳамда ижтимоий вазифаларни бажаришга қаратилган, давлатни бошқариш, мудофаани таъминлаш каби аниқ мақсадларга йўналтирилган, режалаштирилган харажатлардан иборат бўлади.

Давлат бюджети иқтисодиёт ривожланишининг турли боқичларида бюджет сиёсатини амалга ошириш курали, мўлжалланган дастурлар ва тадбирларни амалга ошириш учун пул маблағларининг асосий манбаи ҳисобланади. Мазкур молиявий манба асосан бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчилар фаолиятларини молиялаштиришга, улар эҳтиёжлари учун товар ва хизматларни харид қилишга сарфланади. Бошқача қилиб айтганда, бюджет харажатларининг каттагина қисми давлат харидларига йўналтирилади.

Ўзбек тилидаги “харид” термини (инглизчада, procurement - прокюрмент) “сотиб олиш” маъноси билан бир маънода ишлатилиб, замонвий тушунчаларда маҳсулотларни, бажарилган ишларни ёки кўрсатилган хизматларни маълум ҳақ эвазига олиш демакдир (инглизчада, procurement of goods, works and services).

Давлат хариди деб бюджет тизими бюджетларининг маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган товарлар (ишлар, хизматлар) харидларига айтилади.¹ Давлат хариди – бу давлат эҳтиёжлари учун товарлар ва хизматларни қисман ёки тўлиқ давлат маблағлари эвазига сотиб олишдир. Соддароқ қилиб айтганда, давлат хариди деб бюджет тизими бюджетларининг маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган товарлар (ишлар, хизматлар) харидларига айтилади.

Давлат харидларининг вазифалари давлат бошқаруви фаолияти учун зарур товар, хизмат ва ишлар билан ўз вақтида, керакли миқдорда ва турда, оптимал

¹ Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 3-моддаси

сифатда ва нархда таъминлашдан ташқари рақобатни ривожлантириш учун давлат харидларига кўпроқ хўжалик субъектларини жалб қилиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни халқаро андозаларга мос сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга ундашдан иборатдир.

Хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, давлат хариди бюджетнинг харажатлар қисмида катта салмоқни эгаллайди, шу билан бирга у иқтисодийни бошқаришнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Ҳозирги кунда дунёдаги кўплаб мамлакатлар сингари Ўзбекистон Республикасида ҳам давлат хариди тизимини ислоҳ этишга катта эътибор қаратилмоқда. Ҳукумат томонидан харид жараёнларини очиқ-ойдинлигини таъминлашга қаратилган, жумладан, харидни амалга оширишда электрон савдо тизимидан кенг фойдаланиш, давлат харидлари жараёнида кичик бизнес субъектлари иштирокини кучайтириш орқали уларнинг давлат харидлари тизимида иштирокини кенгайтириш йўналишлари бўйича қатор ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланган мақсад эса давлат бюджети маблағларидан фойдаланишнинг тежамкор ва самарали тизимини йўлга қўйиш, кичик бизнес субъектлари молиявий фаолияти барқарорлигини таъминлаш асосида уларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулоти таркибидаги улушини оширишдан иборатдир.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда қисқа давр мобайнида давлат харидини ташкил этиш бўйича мутлақо янги тамойилларга асосланган тизим шакллантирилди. Бунда асосий урғу давлат харидлари тизимининг мавжуд механизминини халқаро андозалар асосида ташкил этиш, харид жараёнларида кичик бизнес субъектларига кўпроқ имтиёзлар беришга қаратилди.

Давлат харидини бошқаришга тизимли ёндошув тўғрироқ бўлади. Шундай экан, давлат эҳтиёжлари учун харидни режалаштириш ва амалга ошириш ҳамда назорат этиш билан боғлиқ барча жараёнлар давлат хариди тизимини юзага келтиради. Давлат хариди давлат инфратузилмасини моддий-молиявий таъминлаш учун амалга оширилади. Давлат инфратузилмасини умумий тарзда иккита йирик таркибий қисмига ажратиш мумкин:

- иқтисодий инфратузилма (транспорт, маиший хизматлар, кундалик иқтисодий фаолиятни амалга ошириш учун бирламчи бўлган инфратузилмалар);
- ижтимоий инфратузилма (мактаблар, шифохоналар, кутубхоналар, ёки бошқача айтганда, жамият кундалик ҳаёти учун бирламчи инфратузилмалар).

Ижтимоий соҳаларга давлат харидини амалга ошириш зарурати умумжамиат манфаатларидан келиб чиқади. Ўзбекистонда ижтимоий соҳаларга инвестициялар ва давлат хариди мавжуд қонуний-меъёрий актлар орқали тартибга солинади.

Давлат молиясини бошқаришни ислоҳ этиш бўйича амалга оширилаётган ўзгаришларнинг таркибий қисми сифатида, давлат харидини ташкил этишни тубдан ислоҳ этиш, уни тартибга солувчи ҳуқуқий базани шакллантириш, давлат харажатлари самарадорлигини оширишнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Давлат харидини бошқариш тизимини такомиллаштириш учун куйидаги элементлардан фойдаланиш самарали йўналиш ҳисобланади:

- давлат харидини бошқариш юзасидан илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш;
- давлат хариди сиёсатини давлатнинг иқтисодий сиёсати мақсадларига мувофиқлаштириш;
- давлат хариди соҳасидаги амалга оширилаётган сиёсатни мониторинг ва баҳолашни татбиқ этиш.

Давлат эҳтиёжлари учун харидни амалга ошириш механизмнинг самарали бўлиши, кўп жиҳатдан, давлат хариди учун қарор қабул қилаётган давлат хизматчиларининг бидим ва кўникма даражаси, профессионал тайёргарлиги ва ҳаққонийлигига боғлиқ. Кўпгина давлатларда давлат хариди билан шуғулланадиган ходимларни тайёрлаш ва улар малакасини ошириш бевосита ҳукуматнинг зиммасига юклатилган вазифаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан юқоридаги кўрсатилган йўналишлардаги муаммоларни бартараф этишга катта эътибор қаратилмоқда ва давлат харидини амалга оширишда иштирок этувчи бошқа субъектлар иштирокида, давлат хариди жараёнининг механизмларини ҳамда унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича фаол иш олиб борилмоқда. Хусусан, давлат хариди тизимини бошқариш бўйича тизимли ёндошувга бўлган талаб ҳамда давлат харидининг иқтисодиётнинг айрим соҳаларига бўлган таъсир этувчи механизм сифатида фойдаланиш стратегиялари шакллантирилмоқда. Ўзбекистонда давлат харидининг ҳажми ЯИМнинг 11 фоизини ташкил этгани ҳолда, уни иқтисодий ўсишга таъсир этувчи муҳим омил эканлигини кўрсатади. Давлат хариди ЯИМни шаклланишига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Буни инобатга олиб давлат харидини амалга ошириш соҳасида олиб борилган оқилона сиёсат макроиқтисодий сиёсатга жиддий таъсир этувчи инструмент сифатида юзага чиқади:

- давлат харидини иқтисодиётнинг маълум соҳаларида амалга ошириш орқали, ўша соҳалар ривожига ва аҳоли бандлиги ҳамда даромадлари даражасига ижобий таъсир этади;
- очик тендерларни эълон қилиш орқали рақобатни ривожлантиришга таъсир этади;

-сотиб олинаётган товарларнинг сифат талабини халқаро андоза талабларга тенглаштириш орқали, миллий ишлаб чиқарувчи корхоналар маҳсулот сифатини оширишга таъсир этиш мумкин;

-кичик бизнес вакиллар томонидан ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматларни сотиб олишда танлов жараёнларини жорий этиш орқали, кичик бизнесни ва рақобатни ривожлантиришга таъсир этиш мумкин.

Юқорида санаб ўтилган ҳолатлар фақатгина мамлакат даражасида давлат харидини бошқаришнинг самарли механизмлари мавжуд бўлган шароитда, яъни харидни режалаштириш ва унинг иқтисодиётга таъсирини баҳолаш орқали эришиш мумкин.

Хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, давлат хариди бюджетнинг харажатлар қисмида катта салмоқни эгаллайди, шу билан бирга, иқтисодиётни бошқаришнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Кўплаб мамлакатларда давлат хариди жараёнида янги технологиялар амалиётга жорий этилмоқда. Айтиш мумкинки, барча мамлакатларда давлат хариди тизимига қизиқиш юқориликча қолмоқда, давлат харидини ташкил этиш муаммолари ҳар доимгидек долзарб ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. T.S. Malikov, O. Olimjonov. Moliya - O 'quv qo 'llanma. T.: "Iqtisod-moliya, 2012
2. T. Malikov, N. Haydarov. Davlat byudjeti - T.: " Iqtisod-moliya, 2007
3. A.Ваҳобов, Т.Маликов. Молия: дарслик. - Т.: Ношир, 2011
4. T.Malikov, N.Haydarov - Budjet daromadlari va xarajatlari. O 'quv qo 'llanma, Toshkent: "IQTISOD-MOLIYA, 2007
5. Ўроқов У., Ўғли У. Ш. Ҳадли келишув тартиб-таомили орқали давлат харидларини амалга ошириш тартиби //Science and Education. – 2023. – Т. 4. – №. 1. – С. 1103-1109.
6. Uchkun Urokov. THE IMPORTANCE OF PROCUREMENT MODELS IN THE EFFECTIVE ORGANIZATION OF PUBLIC PROCUREMENT. International Multidisciplinary Research in Academic Science (IMRAS) Volume. 6, Issue 08, December (2023)
7. Uchkun Urokov. PECULIARITIES OF IMPLEMENTATION OF PUBLIC PROCUREMENT IN UZBEKISTAN THROUGH THE AGREEMENT PROCEDURE. JOURNAL OF ECONOMICS AND BUSINESS MANAGEMENT. Volume-6, Issue-5, Published |20-12-2023|
8. Nozima Tashmatova, Uchkun O'roqov. XALQARO TASHKILOTLAR VA DAVLAT XARIDLARINI TARTIBGA SOLISH: OSHKORALIK VA SAMARADORLIKKA YO'LI. Talqin va tadqiqotlar jurnali. № 33 (2023)

9. Zarnigorxon Fazliddin qizi Nuritdinova, Uchqun Yunusovich O'roqov. DAVLAT XARIDLARINI AMALGA OSHIRISHDA JANUBIY KOREYA TAJRIBASI VA YASHIL DAVLAT XARIDLARINING TUTGAN O'RNI. SCHOLAR, 2023/1-33
10. UY Urokov, E Shodmonov, D Bobobekova. Government procurement management. - T.-2022
11. Urokov, U. Yu. Issues of improving the public procurement system in Uzbekistan. TMI, December 13 (2014).
12. U Yu Urokov. Issues of increasing the volume of electronic purchases in the state procurement system. - TMI, May, 2021
13. U Yu Urokov. Public procurement system: esterday and today. Market, money and credit" magazine, 2018, №8
14. Ўроқов У. Улугбек Шарипжон Ўғли. Ҳадли келишув тартиб-таомили орқали давлат харидларини амалга ошириш тартиби //Science and Education. – 2023.
15. О'роқов, У. Ю. "Davlat xaridi." O'quv qo'llanma. T.:«Nihol print» ОК (2022).
16. Ўроқов, У. "Давлат харидлари тизимида электрон харидлар ҳажмини ошириш масалалари." "Замонавий молиянинг миллий ва халқаро долзарб масалалари". Халқаро илмий-амалий конференция
17. О'роқов У, Ўомг'иров Ж. Davlat xaridlarini tashkil etish modellari: afzalliklari va kamchiliklari. Science and Education. 2022 Dec 31;3(12):941-7.
18. Malikov TS, HN. Moliya umumdavlat moliyasi./O 'quv qo 'llanma. Toshkent:"Iqtisod-moliya. 2009;556.
19. А.Ваҳобов, Т.Маликов. Молия: умумназарий масалалар - Ўқув қўлланма. Тошкент,"Iqtisod-moliya, 2008
20. Ваҳобов АВ, Маликов ТС. Молия. Дарслик/Тошкент Молия институти. Тошкент:"Шарқ. 2010;804.
21. Хайдаров Н. Давлат молиясини бошқариш. Т.:«Академия. 2005.
22. Ҳайдаров Н Т. Маликов-Бюджет: тизими, тузилмаси, жараёни. Ўқув қўлланма. 2007.